

ТОШКЕНТ

Оқшомчи

Ўзбекистон Компартияси Тошкент
шаҳар комитети ва халқ депутатлари
шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган.

№ 105 (6. 594)

1988 йил 7 май, шанба

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

9 Май—Ғалаба куни

Бутуниттифоқ XIX партия
конференциясига делегатликка
номзодлар

КПСС Марказий Комитети Сийёсий Бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сийёсий бюроси 5 майдаги мажлисида ҳукуматнинг СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 2005 йилгача бўлган концепциясини, шу даврга мўлжалланган асосий йўналишларни ҳамда 1991—1995 йилларга мўлжалланган давлат беш йиллик планини тузиш ва қўриб-чиқиш тартиби, босқичлари тўғрисидаги тақдирларини маълум қилди. Муҳокама давомида экономикани узоқ муддатли ривожлантириш муаммолари принципиал муҳим сийёсий аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Шу масалаларга оид энг муҳим ҳужжатлар тўб иқтисодий ислохот принциплари асосида, Давлат қорхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қўнуннинг қондаларига қатъий мувофиқ равишда ишлаб чиқиш, кенг демократик асосда, жамиятнинг зўр ижодий имкониятларидан фойдаланиб ўтказилган керак, бу эса иқтисодий ўсиш режаларини тўлиқроқ намойиш этиш фан-техника ва социал вазифаларни белгилаш имконини беради.

Мажлисида СССР Министрлар Советининг СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар келгуси беш йилликдаги давлат планларини, айрим муаммолар юзасидан эса 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган планларни мувофиқлаштириш тўғрисидаги тақдир қўриб чиқилди.

Мамлакатда амалга ошириладиган таъшиқ иқтисодий фаолиятини қайта қуришга ва Давлат қорхонаси тўғрисидаги Қўнунга мувофиқ планларни мувофиқлаштириш соҳасидаги ишга бирлашмалар, қорхона ва ташкилотлар, биринчи гада мамлакат машинасозлик, химия саноати ва бошқа қайта ишлаш тармоқларининг бирлашмалари, қорхона ва ташкилотлари жуда актив қўшиб ишларни лозимлиги қайд этилди. Халқаро социалистик меҳнат тақсимотини чуқурлаштиришда тўб силжиларни амалга оширишнинг, чуқур ички тармоқ кооперацияси ва ихтисослашув, интеграцион ўзаро алоқаларнинг янги формаларидан кенг фойдаланиш ҳамда Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар фан-техника сарафиди комплекс программасини амалга ошириш асосида ўзаро товар оборотиинг структурасини такомиллаштиришнинг жуда катта аҳамияти таъкидланди.

КПСС Марказий Комитетининг Сийёсий бюроси аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашнинг яхшилаш тўғрисидаги масалани қўриб чиқди. Ишлаб чиқаришнинг интенсификациясида ишчи қўлайтириш, бир қанча об-ластларда, ўлка ва республикаларда меҳнатни ташкил этиш ҳамда рағбатлантиришнинг янги формаларидан фойдаланиш натижа-сида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг яхшиланга эришилди, деб таъкидланди. Шу билан бирга мамлакатнинг қўшнги раёонларида бу иш ҳали қўнчарли олиб борилмапти. Роват ва хўжалик органлари бепарволик қилмоқдалар, бозорда озиқ-овқат маҳсулот-

ларини қўлайтириш масала-ларини ҳал этишда тайёрга айёрлик позициясида туриб-дилар, жойларда зарур чора-тадбирларни қўриш ўрнига озиқ-овқат муаммосини мар-казда ҳал этишга интилоқ-далар. СССР Давлат агро-саноат комитети, СССР Дон маҳсулотлари, Балиқ хўжа-лиги, Савдо министрликла-ри, Центросоюз, иттифоқдош республикаларнинг Минис-лар Советлари бу масалалар-ни ҳал этишдаги ишчи қай-та қуришда ҳаддан таш-қари сусткашлик қилмоқдал-лар.

КПСС Марказий Коми-тетининг Сийёсий бюроси мам-лакатнинг айрим регионла-рида аҳолини озиқ-овқат бил-ан таъминлашдаги ишлар-нинг вужудга келган аҳо-лини йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳол деб ҳисоблаб, пар-тия, совет, хўжалик орган-лари ҳар бир район, шаҳар, область, ўлка, республика-нинг имкониятларини атроф-ла қўриб чиқишлари, аҳо-лини ҳамма турдаги озиқ-ов-қат маҳсулотлари билан таъ-минлашнинг яхшилаш чора-тадбирларини белгилаб, амалга оширишлари зарур, деб топди.

Озиқ-овқат маҳсулотла-ри ишлаб чиқаришнинг қисқа муддатларда қўлайтириш юзасидан партия қўйган ва-зифаларни ҳал этишга он-ли равишда ва зўр масъу-лият билан киришадиган меҳнат коллективларининг, ҳар бир меҳнатчининг та-шаббусини ҳар томонлама ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, уларга амалий равишда мадад қўриш, хўжалик юртишнинг ижара-усулларига, коллектив ва оила пудратига амалда кенг йўл очди, бу усуллари ҳамма жойда қўлланила-барча тўсиқлар ва нотўғри фикрларга барҳам бериш зарур.

Мажлисида меҳнат коллек-тивларининг, саноат тармоқ-лари, республикалар, ўлка-лар ва областларнинг халқ истеъмо қилидиган нооziқ-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг қўлайтиришдан иқтисодий мафратдорлигини ошириш масалалари қўриб чиқилди. Министрликлар ва идораларга, иттифоқдош республикаларнинг Министр-лар Советларига шу маҳсу-лотларни ишлаб чиқаришнинг қўлайтиришнинг иқтисодий воситаларидан янада самара-лироқ фойдаланишга, зарур моддий-техника базасини ри-вожлантиришга, бошқарув системасини такомиллашти-ришга, оид чора-тадбирларни ишлаб чиқиш тақдир қи-лиди.

Совет Иттифоқда револ-юцион ҳаракатга, фан ва маданиятнинг ривожланти-ришга, Совет — Польша дўстлигини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшган поляк ар-бобларининг хотирасини аба-дийлаштириш тўғрисида қар-ор қабул қилинди. Польша-да Россия ва Совет Итти-фоқи илгор кишиларининг хотирасини абадийлаштириш билан бирга бу тадбирлар идеология, фан ва мадания-ти соҳасида бир йил муқаддам қабул этилган Совет — Польша ҳамкорлиги тўғри-сидаги Декларация асосида иккала мамлакатнинг ўзаро баҳамхонхат ҳаракатлари кенг миёсани қўришувчи янги қадам бўлади.

Сийёсий бюро М. С. Горба-чевнинг Уругвай Коммунист-тик партияси Марказий Ко-митети Бош секретари Р. Арисменди билан суҳбати якунларини маълумлади. Лотин Америкасидаги ва дунёдаги ҳозирги аҳвол, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг ҳо-лати ҳусусида КПСС билан Уругвай Компартиясининг фикрлари бирлиги мамну-ният билан қайд этилди. Ик-кала партия дунёда рўй берган чуқур ўзгаришлар му-носабати билан коммунист-лар олдида турган вазифа-ларни назарий жиҳатдан ид-рок этиб, амалга оширишга қўмақлашишга тайёр экан-лиги таъкидланди. КПСС би-лан Уругвай Компартияси анъанавий қардошлик муно-сабатларини бундан бўён ҳам ривожлантиришга астой-дил интилаверишлари таъ-кидланди.

Мажлисида М. С. Горба-чевнинг расмий дўстлик ви-зити билан Совет Иттифоқи-га келган Корея Меҳнат пар-тияси Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзоси, КХДР Маъмурий Кенгаши Бош министрининг ўринбоса-ри, таъшиқ ишлар министри Ким Ён Нам билан учраш-ви ва Э. А. Шеварднадзе-нинг у билан ўтказган му-зокаралари якунлари маъ-қулланди. Ким Ён Нам М. С. Горбачева КМП Марказий Комитетининг Бош секрета-ри, КХДР Президенти Ким Ир Сеннинг шахсий макту-бияни топширди. КПСС билан Корея Меҳнат партиясининг, СССР билан КХДРнинг ички томонлама муносабат ва халқаро аҳвол асосий соҳа-ларидан бирлиги, ҳар то-монлама ҳамкорлигини ри-вожлантиришга, Корея ярим оролида, бутун Осиё — Тинч океан регионда тинчлик ва хавфсизлигини мустаҳкам-лаш мафратларини қўллаб, ўзаро таъшиқ сийёсий алоқа-ларни кенгайтиришга инти-лаётганлигини мамнуният билан қайд этилди.

В. И. Воронковнинг Сер-бия ва Черногория Соци-алистик Республикалари ҳу-куматлари тақдирларига биоан Югославияга қилган визити натижалари маълумланди. СССР ва ЮСФРнинг респуб-ликалари, ўлкалари ва ша-ҳарлари ўртасидаги амалий ҳамкорлик — Совет — Юго-славия муносабатлари бутун комплексининг муҳим бўғи-ни эканлиги, М. С. Горба-чевнинг яқинда Югославия-га қилган визити бу муно-сабатларни янада ривожлан-тиришга қудратли омил ҳис-абланлиги таъкидлаб ўтил-ди.

Г. П. Разумовский бошчи-лигида КПСС делегациясин-инг Вьетнам Социалистик Республикасига қилган визити, ВКП Марказий Комитетининг Бош секретари Нгуен Ван Линь билан, Вьетнам-нинг бошқа раҳбарлари билан учрашувлари ва суҳбат-лари тўғрисидаги ахборот қўриб чиқилди. КПСС билан Вьетнам Компартиясининг кўп қиррали ҳамкорлигини янада ривожлантиришнинг муҳим аҳамияти таъкидлан-ди.

КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг мажли-сида, партияимиз билан дав-латимиз таъшиқ сийёсий фа-олиятининг бошқа баъзи ма-салалари муҳокама қилинди.



Қаҳрамонликка номзод танланмайди

Самия ака мени илиқ кутиб олди.
— Келинг, келинг, ўғлим, марҳамат.
Қўлимни қаттиқ қисиб қўришар экан қўшиб қўйди:
— Уэр, иш дегандек, тартибсизликлар шундан.
Нима мақсадда келганимни билгач, у киши сукунатга чўмди. Мен фурсатдан фойдаланиб, у кишини кузатдим.
Соҳлари орасига сиплаб таралган, юзларидан сира ҳам латифат аримайди, қўзлари киши юрагига бир олам муносилик соладиган даражада мулоим боқди.
Мен Самия Абдуллаевни Ўзбекистоннинг энг ёрқин тақдирли, нури мўйқалам соҳибларидан деб биламан. У яратган бири-бирдан гўзал, таъбир жоиз бўлса, жылвали суратларини соатлаб томоша қил-ман.

Самия ака энгил ҳаракат билан жимликни бузди.
— Суҳбатлашсак бўлади, ўғлим. Фақат қаҳрамонлик ҳақидами? У кишининг қимтигаётганини сезиб турардим. Ортиқча мақтаниш-нинг унчалик хушламайди. Самия акага ўхшаганлар. Бу аввало жуда яхши. Кишининг баҳри-диди очилди камтар-фидойи одамларимиз борлигидан! Қийин томони эса улардан бирон нарсанга ундириб олиш мушкул бўлади.
— Суҳбатга мавзу танламасак, Самия ака. Ҳаёт ҳақида, ўтган кунлар, жанговар йўллар, келажак шуъалари ҳақида сўзлашсак.
Самия ака жоиланиб кетди.
— Ҳаёт жуда гўзал, ўғлим. Бу ҳақда ҳар қанча сўзлашсак ар-зийди. Ахир бу қўрмак ҳаётнинг илдизларига бир қаранг. Унинг ил-дизлари йигирма миллионга. Гўзаллигини, осийишталлигини ўша илдиз-лар билан берган.
Самия ака жим қолди.
— Уруш пайтида ҳалок бўлган йигирма миллион жангчинин айтил-сиз, чоғи?..
— Урушдан кейин вафот этаётган ветеранлар-чи? Уруш тугагани-га қирқ йилдан ошиб қолди. Лекин у ҳали ҳам ўзи ҳақида эс-латяпти. Суҳбатимиз ўз-ўзидан тинчлик ва уруш хотираларига уланиб кет-ди.

— Уларнинг ҳаммаси қаҳрамон, — ўйчан давом этди Самия ака. — Қаҳрамон бўлмаси қирқ йил уруш солган жароҳатини танида олиб юрармиди?..
Кўз олдимда Самия аканинг «Сапун Гора, Ериб ўтиш» картина-си гавдаланди. Қўлогини остида эса жанг сурунлари бир лаҳза янграб кетгандек бўлди.

Самия ака ҳамон ўйчан қиёфада ўлтирар, хотиралар гирдобиди су-заётгани аниқ эди.

СУРАТДА: Самия Абдуллаев.

Р. Шарипов фотоси.

© (Совет Иттифоқи Қаҳрамони Самия Абдуллаев билан суҳбатни газе-танинг ички саҳифаларида ўқийсиз).



Эътиқод

Метро поездлари ер ости йўллари бўйлаб ўддек учадди, бири-бир-дан гўзал муҳташам станцияларда йўловчиларнинг охири кўринмай-ди. Одамлар оқимини юқорига олиб чиқиб, пастга олиб тушадиган эс-калаторларга қараб қўзиниға жимирлайди: ранго-ранг кийимли, ран-го-ранг тилли кишилар ийга, ўқиниға шошиладилар. Улар орасида меҳмонларимиз жуда кўп..

Тошкент метрополитенининг бошлиғи Шонноят Шоабдурахимов билан суҳбатлашиб ўтирибмиз.

— Метро қурилиши шаҳримиз ҳаётида жуда катта воқеа бўлди, — деди суҳбатдошимиз. — У тошкентликлар ҳамда меҳмонларимиз-га қўлайлик яратиб билан бирга, кўҳна пойтахтимизнинг ютуқлари-ни бутун оламга кўз-кўз қилмоқда.
— Тошкент метросини 500 га яқин чет эллик меҳмон келиб кўр-ди, — сўзида давом этади Ш. Шоабдурахимов. — Баъзиларининг кў-зларида дўстларга хос қувонч, баъзиларининг қўзларида эса ғайрилик, бадхотлик сезилди.

Тошкент метрополитенида 30 дан ортиқ миллат ва элат вакилла-ри меҳнат қилмоқда. Рус, ўзбек, қозоқ, тожик, корейс, қрим-татар... Ҳатто, французлар ҳам бор. Улкан ва аҳил онла фарзандлардек меҳнат қилишди, қувонч-ташвишларини ўртоқлашди.

Тошкент метрополитени республика кўчма Қизил байроғини тўн-қиз марта қўлга киритди, Ўзбекистон Компартияси Марказий Коми-тети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, республика Минис-трлар Совети, Ўзбекистон қасаба союзулари республика Совети ҳамда Ўзбекистон Ленин қомомоли Марказий Комитетининг Эсдалик бай-роғи доимий сақлаш учун қолдирилди..

— Метро қурилишига раҳбарлик қилиш топширилганда, ишонасиз-ми, қўлимда бир даста тоза қорғоз, қаламдан бошқа ҳеч нарсан йўқ эди, — деди Ш. Шоабдурахимов. — Қийинчиликлар, ташвишлар беҳи-соб эди, ҳозир ҳам кўп. Ҳаммасига улгуришимиз, юксак ишончини оқ-лашимиз керак. Яқин келажакда метро поездлари Юнусободнинг Халқа йўлигача боради. Ана шунга тегишли лойиҳа ишлари ниҳоят-га етди. Метро қурилиши ҳали узоқ давом этади..

Ш. Шоабдурахимовга коммунист, раҳбар сифатида коллективнинг ҳар бир аъзоси ишонади, эргашади. Бу эса коммунист учун жуда катта бахт. Билимдон, ташкилотчи раҳбарга яна бир юксак ишонч билдирилди: у Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси делегатлиги-га номзод қилиб кўрсатилди.

— Одамлар ишончини партиявий вижидон билан оқлайман, бу-тун куч-қувватимни халқ ишига бағишлайман.

Бу ҳаёт синовларидан муваффақиятли ўтган эътиқодли комму-нистнинг юрак сўзлари. Унинг сўзларига эса ҳамма ишонади..

Э. ҚОСИМОВ.

СУРАТДА: Шонноят Шоабдурахимов.

Ш. Иброҳимов фотоси.

Қорхоналар бўйртмаси асосида

«Эстроиндустрия» таж-риба-механика заводи кол-лективни бўйртмалар асоси-да турли хил металл-конст-рукция буюмлари ишлаб чи-қариш борасида айна пайт-да маълум тажриба ортти-ришмоқда.

Кейинги ойлار ичида бу-ндай маҳсулотлардан бир не-ча тоннаси тайёрлаб бери-лди. Тошкентдаги 2-темир-бе-тон буюмлари заводи бўйрт-маси ҳам ўз вақтида адо этилди.

Чиряқдаги қурилиш ма-териаллари ва конструкция-лари комбинати коллектив-и, айниқса, завод мутахас-сислари жонбозлигидан мам-нун. Унинг асосий бўйрт-мачисига айланган бу қорхо-на илтимосига биоан завод цехларида қўллаб қилталар ишлаб чиқарилади. Шунанг-дек, Ангрендаги 4-темир-бетон буюмлари заводидан берилган бўйртмалар ўз вақтида сифатли қилиб ба-ларилди.

А. АЛНОВ.



31-57-02
32-55-35

Алло, редакциями?

«Ишончли мулоқот»

ХУРМАТЛИ ОҚШОМХОНЛАР!
«Тошкент оқшомчи» газетаси редакцияси қошида таш-кил этилган «ИШОНЧЛИ МУЛОҚОТ»нинг телефон орқали навбатдаги учрашуви 10 май, сешанба кунини соат 10 дан 12 гача, сўнг соат 14 дан 16 гача бўлади.

Саволларни назоратда тутинг.
1. «ОҚШОМ» ГАЗЕТАСИ САҲИФАЛАРИДА ҚАЙСИ МА-ҚОЛАЛАР СИЗГА МАНЗУР БУЛДИ. НИМА УЧУН!
2. ГАЗЕТАДА БОСИЛГАН МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ҚАЙСИ-ЛАРИДАН КЎНГЎЛНИНГИЗ ТУЛМАДИ. БУНГА САБАБИ
3. СИЗНИ КЎПРОҚ ҚАНДАЙ МАЗМУНДАГИ МАҚОЛА-ЛАР ҚИЗҚИТЯДИ!

Телефонда ёки хотда айтилган фикрларингиз исм-фа-милангиз кўрсатилган ҳолда газетанинг ПАЙШАНБА со-нида эълон қилинади. Сиз истаган мавзудаги мақолалар тез вақтда тайёрланиб, газета саҳифасидада ери-тилади. «ИШОНЧЛИ МУЛОҚОТ» суҳбатиди 10 май, сешанба кунини «Тошкент оқшомчи» газетасининг ходими Ҳамид Исрофов навбатчилик қилади.

Хурматли оқшомхон дўстлар! Бизга телефон қилган лойтигизда ва хат йўллаганингизда Сизларнинг эътибо-рингизга ҳавола этилган уччала саволларга албатта жавоб қайтаришни унутмасингизни сўраймиз.

Ҳар йили Ғалаба байрами арафа-сида шу ерга келаман. Бу ер мен учун энг азиз жойлардан бири. Бу ер энг азиз шахидлар руҳини шод этиб турган Биродарлик қабристони. Қачон келмай ёд бўлиб кетган ёзув-ларни қайта-қайта ўқийвераман, зиё-рат қиламан. Ҳар йили мен учун қадрдон, азиз:

Совет Иттифоқи Қаҳрамони
ички лейтенант
Жураҳон Усмонов
1923—1945.
Оддий аскар
Рязанов Сергей Степанович
1906—1942.
Оддий аскар
Авакян Сергей Ваканович
1921—1942.
Оддий аскар
Мўминжон Аҳмаджонов
1896—1943.
Оддий аскар
Тихомиров Николай Иванович
1926—1945.

1926—1945. Ун ўтқиз эшида дунё-дан кўз юмбди. Уша Николай дунё-га келиб нима кўрди? Табиатнинг қайси лаззатидан тўйиб-тўйиб баҳра-манд бўлди! Ун беш ешида уруш бошланган бўлса, аши етар-етмас фронтга кетган бўлса, нимани қўриб улгурди! Бундай қабрлар бу ерда жуда кўп. Умри эрта ҳазон бўлган-лар эса ундан ҳам. Алам қилади

менга. Аламимни кўз ёшларимдан оламан. Лекин кўз ёшларимдан бу ерда чирмайдиган қўлтиқ-тўқларини бир чеккага сўриб қўйиб. Бошимни энгб итирган кекса амакидан ҳам, гул кўтариб Она ҳайкали пойи томон кетайтган келми-куёвдан ҳам, чопқил-лаб юрган жонжи болақайдан ҳам.

Бирини, бошқаси арман, учинчи-си ўзбек. Ватанимиз озодлиги йўли-да жон фидо қилган шахидлар. Ота-она, ер-биродарини доғлаб кетган, йигирма миллионини ташкил этган ша-хидлар. Ўрагимнинг бир парчасига айланган, улкан мамлакатнинг турли бурчегидан келиб жонини шу ерда узилган марҳумлар.

Бейхитёр бўйимнинг гапларини эс-лайман. «Мана шу Чақардан жуда кўп йигит урушга кетган. Бири йи-лаб, бири маънос ўтган. Тўп-тўп бў-либ, қадамлари гурсиллаб бу ердан узоқлашган. Буванг раҳматлик ҳам тўплардан бирини тўлдириб кетгани». Бувим ҳар гал ўша кунларни эс-ла-ганда оқуда кўп одам кетгани дей-ди-ю «кўп қайтди» деб ҳеч айтмай-

ди. Бодарак кетган акасини қўйсай-ди, Бобонин эслайди. «Шундай не-вараларни кўриш унга насиб этмади. Сенларни кўрганда терисига сигмас-ди, болам. Пешона эканда, дейди ҳўрсиниб.

Бу гапларни эшитаману, ўзимни қўйрга жой тополмайман. Бобонинг шу кунларга етмагани, ёшгина келинчақлар бешиқдаги гўдаги билан қирчиллаб қолгани, алпқомат ўғло-ларнинг тутдек тўкилгани алам қи-лади. Яна жуда кўп нарсан алам қи-лади менга. Бувим фақат бир ҳарбий комиссариатда қўрганини айтди. Бир кўчада ўтганларни айтди: Бун-дайлар юрда қанча эди, мамлакат-да қанча эди! Унинг кўчаларидан ў-тганларни санаб бўлармиди! Улар са-ноқсиз эди, уни ҳеч ким санай ол-мас эди.

Кўм-кўк берг ёзган дараклар ҳор-гини силкинади. Мармар тахтачаларга қўнган умрлар жим. Улар тепасида гамбода ОНА. У ҳамон йигирма мил-лион фарзандига аза тутати.

9 Май кунини бу ерга яна юзлаб

одамлар шахидларни зиёрат қилгани келишди. Атроф гулгара тўлади. Одамлар қирқ уч йил олдинги кун-ларни эслайди, урушга кетиб қай-маган, қабри маълум ва номалум ақилларини ёд этишади. Қирқ уч йил. Бу давр ичида кўп нарсанинг ўрни тўлди. Бузилган иморатлар тикланди, вайрон бўлган боғлар кўкарди. Ле-кин бир нарсанинг ўрни тўлмади. У ҳеч қачон тўлмайди ҳам. Бу йигир-ма миллион шахиднинг ўрни, умри. Улардан фақат тошга битилган номи, тутилган ва ҳалок бўлган йили бизга хотира бўлиб қолди. Фақат шу.

Бошимни кўтардим. Анча кеч бў-либ қолди. Ҳалиги келин-куёвлар ҳам, уларнинг ҳамроҳлари ҳам, чоп-қиллаб юрган болақай ҳам кетиб бў-лишибди. Фақат қўлтиқ-тўқларини бир четга қўйган амакига қолди. ОНАнинг қолди бўкилган, пойда мангу олов. Мен ҳам ўрнимдан тур-дим. Уч-тўрт қадам юриб ортимга қарадим. Мен билан ўниси суҳбат қўрган ёдгорлик тошидаги ёзувга яна бир бор тикилдим:

Оддий аскар
Бобоев Собир.
1924—1942.

Менинг номалум қадрдоним. Ун саккиз ешида ҳазон бўлган ҳамюр-тим. Бас энди, бундай маънос бўлма. Илтимос қиламан сендан оғаб бутун сенинг байраминг!

Равшан БОБОМУҲАМедов.

С О В Е Т Х А Л Қ И Н И Н Г



9 МАЙДА СОВЕТ
ХАЛҚИ ФА-
ШИСТЛАР ГЕРМАНИЯ-
СИ УСТИДАН ҚОЗОН-
ГАН БУЮК ҒАЛАБАСИ-
НИНГ 43 ЙИЛЛИГИНИ
НИШОНЛАЙДИ.

Эл равнақи йўлида

Уруш бошланганда сер-
жант Акронжон Ахоров
Белорусиянинг чегарасига
яқин жойлашган Лепель
шаҳрида — 380-артиллерия
полкида расчёт командири
бўлиб хизмат қиларди. Бу
қисм ҳам биринчи кунларда
ноқ беомон жангга кирди.
Акрон Ахоров расчётига
Лепель — Витебск йўлини
тўсиш ва немис танкларини
ўтказмаслик вазифаси то-
пирилди. Жангчилар йўлга
тўсишда қўйишга улгурмас-
лариданоқ осмонда душман
самолётлари пайдо бўлиб,
бомбалар ёғдира бошлади.
Қишлоқлар алағга ичди
қолди, атрофини қора қўю
қоплади. Кетга бориб
фрицлар танкларини ҳам
жангга солди. Икки ўртада
шиддатли оқшув бошланди.
Артиллериячилар мардлар-
ча жанг қилиб душ-
ман танкларининг ериб ўти-
шига йўл қўйишмади. Улар
қаторида Ахоров расчёти
ҳам бўш келмасди.

Гитлерчилар улоқтириб
ташлангач, бизниклар қар-
ши ҳужумга ўтишди. Лекин
кутилмаганда уч пулемёт
нуқтаси олға силжишга ҳа-
лақит бериб қолди. Ахро-
ров вазиятни ҳисобга олиб,
Трошин билан Ермаковга
ўша «нуқта» томон ўт очиш-
ни буюрди. Ўқлар нишонга
тегди. Аммо бироздан кей-
ини ништин иморат ортдан
яна ўқ отла бошланди. У
ерда ҳам ширма борлиги
маълум бўлди. Совет жанг-
чилари бинони айланиб
ўтишди ва кутилмаганда ор-
қадан зарба бериб бинони
қўлга олишди.

Кейинчалик Ахоров рас-
чёти жангларни давом эт-
тириб, 1943 йили Калинин
шаҳрини озод қилишда қат-
нашди. Бўлини олдига қў-
йилган оғир вазифа шараф
билан ундоланди. Тўпчилар
душман кузатув пунктини
ва пулемёт нуқталарининг
кулини қўқса соғурди. Ора-
дан кўп ўтмай Акрон Ахро-
ров ҳаётида муҳим воқеа юз
берди: у КПСС сафига қа-
бул қилинди.

Совет қўшинлари Герма-
нияга кириб борган кезлар.
Урушнинг сўнги ойлари ке-
тарди. Вазод командири —
Ахоров ўзининг бир жанг-
чиси билан Дрезден атрофи-
да етти немис офицерини ти-
риклигини қўлга олади ва
қўмондонликка топиради.
Душман офицерлардан
одинган қимматли маълум-
отлар натижадада армия-
мизнинг бутун фронт бўйлаб
ҳаракати янада тезлашди.

Бу жасорати учун взвод
командири Қизил Юлдуз
ордени билан тақдирлана-
ди.
Акрон ака командирлик
қилган взвод Курск, Жито-
мир, Ровно, Винница, Ка-
мёиск — Подольск, Ковель,
Тернополь, Драгобич, Львов
шаҳарларини озод қилишда
қатнашди ва Сандомир пла-
дарини эгаллашда мисли
қўрилмаган қаҳрамонлик
намуналарини кўрсатди. Че-
хословакиянинг шаҳар ва
қишлоқларини фашистлар-
дан тозалашда актив ишти-
рок этди. Биринчи Украина
фронти қўшинлари қўмон-
дон, Совет Иттифоқи Мар-
шал И. Конев билан фронт
Шарий Кенгаши аъзоси ге-
нерал-лейтенант И. Крайно-
ковлар имзо чеккан «Ташак-
курнома Ерлиғида» шундай
дейлади: «Хўрматли лей-
тенант Акрон Ахоров! Сиз
даҳшатли уруш йиллари ва-
танпарварлик бурчинини
шараф билан бажариб, ға-
лаба билан она шахрингизга
қайтмоқдасиз. Советлар мам-
лакатига Улуғ Ватан уруши
йилларидан бўлган чексиз
муҳаббатингиз, садоқатин-
гиз тинчлик меҳнатиди ҳам
Сизга битмас-тутанмас ман-
ба бўлиб хизмат қилади деб
умид қиламиз. Совет Ар-
мияси фронтларида аъло
хизматингиз учун катта
ташаккур билдирамиз ва
Сизга Ватанимиз бахт-са-
одати учун қилинган соци-
алистик меҳнатда узоқ умр
ҳамда сўхат-саломатлик ти-
лаймиз».

Урушдан сўнг жасур офи-
цер Москвада В. И. Ленин
номли Ҳарбий-сиёсий акаде-
мияни тутатди. Кейин Совет
Армияси сафларида хизмат-
ни давом эттирди. «Фрунзе-
вец» газетасида ишлади.
Қўлгина очерк ва мақолалар
ёзди. Истеъфода чиққач
«Ўқитувчи» нашриётида иш-
лади. Хонир эса Абу Рай-
хон Беруний номидаги Тош-
кент политехника институти-
да меҳнат қилмоқда.

Улуғ Ватанимиз бахт-
саодати йўлида, халқимиз-
нинг озод ва эркин яшаш
учун оловли йўллари босиб
ўтган собиқ жангчи, уруш
ва меҳнат ветерани Акрон
ака Ахоров ҳамон ёшлар-
га хос ғайрат билан мам-
лакатимиз равақати йўлида
ўз ҳиссасини қўшиб келяпти.

Қудрат АХМЕРОВ,
Тошкент политехника ин-
ститути профессори, СССР
Журналистлар союзи аъзоси.

Белорусия тупроғида

«Литературная газета» ре-
дакциясининг ижтимоий
маиший хизмат бўлими то-
монидан тайёрланган ва га-
зетанинг 1987 йил 28 ян-
варь сониди босилган «Ман-
давлар тарқатиш» сарлавҳа-
ли редакция мақола алоҳи-
да эътиборга сазовордир.

Мақолада туркманистон-
лик Меретгели Байрамов
ва Гевитатудди Дангатов-
ларнинг немис-фашист
босқинчиларга қарши олиб
борилган Улуғ Ватан уру-
ши давомида мардлар-
ча ҳалок бўлган барча
жангчилар рўйхатини, улар
дафн этилган жойларини кўр-
сатган ҳолда китоб қилиб
чиқариш тўғрисидаги тақ-
лифларига жавоб сифатида
Белорусия Совет Энцикло-
педияси нашриёти «Память»
(«Хотира») деб номланган
дастлабки китобни чоп эт-
ганлиги таъкидланган. Ки-
тобда Беларусия ССРнинг
Витебск областидида Шуми-
линск району территорияси-
да ҳалок бўлган Совет Ар-
мияси жангчилар, парти-
занлар ва фашистлар томо-
нидан ўлдирилган гражд-
ларнинг тўла рўйхати берил-
ган.

Қардошларимиз амалга
оширган хайрли иш билан
муфассал танишиш мақса-
дида Беларусия Совет Эн-
циклопедияси нашриётига
мурожаат қилиб, шу китоб-
дан бир нусха юборишлари-
ни илтимос қилдим. Бело-
русиялик ўртоқларга катта
рахмат, улар илтимосимни
қаюватлантиришди. Нашриёт
умумий тарих редакция-
си муҳрири ўртоқ Қиселев
жавоб мактубида, яқин ора-
да республиканинг Брест
областидида Березовский ра-
йонида ҳалок бўлган жанг-

чилар рўйхати ва улар дафн
этилган жой адреси мука-
самланган иккинчи китоб чо-
п этилишини, бундан ташқари
яна шундай икки китоб қў-
л-замаси устида иш олиб бо-
ришлатганини маълум қи-
лди.

«Память» китобини ўр-
ғаниб, Шумилинск району те-
рриториясида ҳалок бўлган қў-
йидаги тошкентликларнинг
фамилиялари, исмлари ва
дафн этилган жойларини
ёзиб олдим (исм-фамилия-
ларнинг ёзилишида айрим
камчиликларга йўл қўйил-
ган бўлиши мумкин):

- ♦ **Ғуломов Абдул Сулаймо-
нович**, 1944 йил 26 июнь
куни Оболь посёлкида
дафн этилган;
- ♦ **Икромов Нажмиддин**,
1944 йил 28 июль куни Яз-
вино қишлоғида дафн этил-
ган;
- ♦ **Йўлдошев Ҳамид Юсу-
пович**, 1943 йил 31 декабрь
куни Тропино қишлоғида
дафн этилган;
- ♦ **Расулов Жўра**, 1944
йил 12 февраль куни Язви-
но қишлоғида дафн этилган;
- ♦ **Соидов Карим**, 1944
йил 14 февраль куни Дво-
ришче қишлоғида дафн этил-
ган;

♦ **Қорабоев Ҳожиаскар**,
1943 йил 31 декабрь куни
Тропино қишлоғида дафн
этилган.
Ватанимиз озодлиги ва мус-
тақиллиги учун немис-фа-
шист босқинчиларига қарши
олиб борилган ҳаёт-мамат
жангларига ҳалок бўлган
ҳамюртларимизга абадий
шон-шарафлар бўлсин!
Мажид САМАДОВ,
Улуғ Ватан уруши ишти-
рокчиси, СССР Ўзбекилар
союзининг аъзоси, Ўзбеки-
стон ССРда хизмат кўрсатган
журналист.



Тўлқин Каримов фотолакари.

Корхона отахони

Яқинда Тошкент тўқимачилик комбинатида ҳаммамнинг оғ-
зига тушган аjoyиб воқеа бўлди. Бу ерда уруш ва меҳнат
ветеранлари совети ташкил этилиб унинг раисин сайлаш ло-
ми бўлиб қолди. Охири йилида Ибн Исоевич Лу-
синининг номзоди бу лавозимга кўрсатилганда эгалдари-
нинг барчаси баёнидил қўл кўтаришди. Чунки бу кичини
корхонанинг катта-о-кичиги жуда яхши билади. Ибн Исое-
вич ёши улғайиб, сочи оқариб отахон бўлиб қолган бўлса
ҳам ғайрат ва шижоатга тўлиб-тошган. Мана у қўл йилдан
бўён шу корхонанинг аҳамиятқамчи ҳисобланади. Бу ерда од-
дий ремонтчи шогирдидан унчинчи йигирва корхонасининг
бошлиғи даражасига кўтарилди. Тошкент тўқимачилик
корхонасининг тарихиёти учун қўлдан келганча заҳмат
чекди.

Ибн Исоевич Қора денгиз қирогига ўсиб-улғайди. Шунинг
учун ҳам болалик гурури уни жасур денгизчи бўлишга чор-
ларди.
Ванги соати келиб армияда хизмат қилаётган чоғида у ден-
гизчи бўлди. Бахтга қарши 19 ёшли йигит денгизчилик сирла-
рини ишта соломлади. Армияга қақирғилар орадан атиги бир
неча ой ўтар-ўтмас Севастополь ва Одесса шаҳарларининг му-
лофасида қатнашиб она ерининг қирғоқларини немис босқин-
чиларидан ҳимоя қилишда қатнашди.

Уша кезларда жанглар ғоятда оғир ва даҳшатли кечарди..
Душман ҳаддан ташқари кучли эди. Қисмларимиз орқага че-
кинарди.

Ибн Исоевич жанговар ўртоқлари билан Қора денгиз
флотининг 68-денгизчи ўқчилар бригадасига тушиб қолди.
Бу қисм Москва мулофасида қилишда қатнашди. Шундан кей-
ин жангчилар Узоқ Шимол мулофасига отландилар.

Собиқ денгизчининг жасорати ва ишбилармонлиги қўмон-
донликка ёқиб қолди. Шунинг учун ҳам уни разведкачилар
бригадаси ихтиёрига олишди. Вутун уруш давомида махсус
разведка батальонида дастлаб оддий аскар, шундан кейин
извод бошлиғи, кейинчалик старшина лавозимларини
эгаллади. У Финляндиядаги Пецамо ва Норвегиядаги Керкен
шаҳарларини немис босқинчиларидан озод қилишда қатнаш-
ди. Бу жасоратлари учун Қизил Юлдуз ордени ва медаллар
билан тақдирланган. 1943 йилда КПСС сафига қабул қилин-
ганда 22 ёшли нақирон йигит эди.

Тўқимачилик комбинати ўзининг бундай жанговар ишчиси
ва отахони билан фахрланади. Унинг ўғли Ваген ҳам ота
изидан бориб шу корхонанинг кўза қўринган мутахассиси
ҳисобланади. Фарзанди ип-йигирва фабрикасининг директори
бўлиб ишламоқда.

Абдулла ПУЛТОВ.

Бу — Ватандир

(Александр Матросов хотирасига)

Азалдан-ку қайғу бордир,
Жафо, алам, йиғи бордир,
Лек, буюк бир туйғу бордир,
Александр,
Бу — Ватандир,
Бу — Ватандир!
Бу туйғуни сотиб бўлмас,
Ёқиб бўлмас, отиб бўлмас,
Е бахрдан ўтиб бўлмас,
Александр,
Бу — Ватандир,

Бу — Ватандир!
Биларсан-ку юрт гадолар,
Бўлганлигини кун-адолар,
Қисмат отлиқ бу савдолар —
Александр,
Бу — Ватандир,
Бу — Ватандир!
Отанг ўлиб, онанг ўлиб,
Қолганинда етим бўлиб,
Сени кучган минг ўргилиб,
Александр,

Бу — Ватандир,
Бу — Ватандир!
Дилда ўтли бир сасим бор,
Менинг сента ҳавасим бор,
Севганим — то нафасим бор,
Александр,
Бу — Ватандир,
Бу — Ватандир!

Зиёвуддин ҚУЗИЕВ.

Қаҳрамонликка номзод

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Ўзбекистон ССРда
хизмат кўрсатган санъат арбоби
Самий АБДУЛЛАЕВ билан суҳбат

Кейинчалик Волков менинг
чиникам устозим бўлиб қол-
ди. Ўзбекистон Рассомлар со-
юзида ташкил қилинган тасви-
рий санъат студиясида, ке-
йинчалик тасвирий санъаттех-
никумида у кишиндан рассом-
лик сирларини ўргандим.

Тўлиқсиз ўрта мактабни
1933 йилда тугатиб, тасвирий
санъат техникумига ўқишга
кирдим. Айни пайтда ўзим
ўқиган 115 мактабда пионер-
вожатий бўлиб ишлай бошла-
дим.

— Болалар ҳаётини чўқур
ўрганган экансиз-да...
— Ҳар ҳолда яхши билар-
дим. 1938 йилда Тошкент ша-
ҳар пионер ва ўқувчилар йў-
л-даси тасвирий санъат тўғрисида
раҳбарлик қилдим. Биринчи
асаримни ҳам шу ерда ярат-
дим. У «Камончи қиз» деб ата-
ларди. Ҳаётто бу асарим бил-
ан Ўзбекистон Рассомлар
союзи томонидан ташкил этил-
ган конкурсда ҳам иштирок
этидим. Ҳарбий хизматга 1938
йилда қақирдим.

Ҳарбий хизмат менга кўп
нарсга берди, кўп нарсга ўрг-
атди ҳам. Мен сапёрлар ба-
ччиюнда эдим. Тўлалигича
айтақолай: алоҳида инженер-
лик хизмати батальони. Вази-

...Она табиат оғушида навбаҳор ҳавосидан силқориб,
яна Сизнинг қайноқ вужудингизни, оташ меҳрингизни қў-
саб, қўлга қалам олдим, онажонимиз.

Ҳар субҳи содиқнинг жунун сифат,
Ўққа боқаман бағримни ёқиб.

Қўшининг алвоний кичирликлариди —
Онажон,

меҳрингиз тургандек балқиб..

Баҳор... Тонг...

Менинг руҳимни ошёр тутувчи бу туйғу — Сизнинг
оқ сутингиз билан қон-қонингиз, яниси-жонингиза сунган,
ҳаётингиз турфа хил сарҳадлари оша беғубор қалбимга
олам кўнглини, дарёлар жўшқинлиги, тоғлар бардоши,
ҳаёт завоқ-шавқини, табиат гўзалликлари, ранглар жилоси,
гул-ғунчалар нафислигини, аёл зотининг мўъжизанор иб-
си-ю, мафтункор латофатини, келажанга ишончини, куй-
ди-пишдилиги, меҳнатсеварлиги, раҳмдиллиги, ёнқ оруз-
умидларини бизга барвақт мерос қолдириб кетган Сиздек
улғу зотининг сўймас меҳрингиз, ўлмас-ўчмас номингиз
рамзи эмасми, мунисим, волидай-мукаррамам?

Онамни эслаб...

(Қатра)

Бу туйғу — мурғалигимда илк баҳордан кеч кузгача
ҳар субҳидан кифтга очиниб, боғ айлантириб, она кўш
сахоятидан, булбуллар навосидан, субҳи сабаблар ҳушбўй
атридан баҳраманд этиб, насбамни, инсоний баху-иқбо-
лимни сўроқлаган Сизнинг оташ нафасингиз тисмол
эмасми, муҳтарам онажоним?

Бу туйғу — Сизнинг она табиат ҳақида, оппоқ тоғлар
ҳақида, она-Ватан, она-Ер ҳақида, гўдаклар бахт-саодати,
одамийлик, меҳр-муҳаббат, Тинчлик, дўстлик, адолат тў-
ғрисида ёниб-ёниб қуйлаган аёлларингизнинг, тилак-
ларингизнинг қатрада кўш акс этгандек қалбимдаги акс-
содоси эмасми?

Бу туйғу — Сизнинг ҳақиқаттўйли, одиллик, оддий-
лик, поклик, ҳалоллик, мардлик, жасурлик, меҳнат, фи-
дойлик, яхшилик ва ёмонлик ҳуусида тўлиб-тошиб сўз-
лаган ўғитларингиз, панду-насихатларингиз, ривоят ва ҳи-
коятларингиздан дилимга кўчган хислатларингиз маҳсула-
си эмасми?

Худди шундай, азиз онажон!
Хотира дафтарини варақлайман:

Шум уруш... Уч оғанининг манфур фашизм вабосига
қарши жангга отланиши... Ўн беш яшар қизалоқ қалбиди-
ги ливоний фарёд, кўзларидидаги мунг, аламлар...

Фронт бригадаси тузиш... кечалари далада тунаб, Буюк
Ғалабани тезлаштириш иштиёқида мангала ёқиб, қалби-
да доғ-йирали Бахришисо, Саломатини, Оминабону ка-
би қирқ қизча бон бўлиб, ер топиш... Ориқ-тирриқ ҳўк-
лар билан ерга чиқиб, қилмача экиш... Арпа, бугдой экиб,
ўриш-янчиш... Тонгга-тутанларини фронтга жўнатиш...

«Қора хат»лар изтироби!..
Эҳ-ҳе, Сизнинг тилингиздан менинг дилимга кўчиб, ол-
тин обидайи ўрнашиб қолган кечмишнинг китобини ёза-
версам, той-той қозғалар, ирмоқ-ирмоқ сиёҳлар камлик
қилгуси, Онажон!

Улуғ Ватан урушидан ярим жон, ярим тан бўлиб қай-
ган инвалид отам билан турмуш қуриб, беш қиз-у, уч ўғил-
ни тарбиялаб, оқ юнб, оқ тараганингизни, аёл бошингиз
билан янги иморатга гувалян юмалатиб, ҳўлимиз агро-
фронт пахса деворларга лой қориб берганлигингизни,
отам билан бақамти, ҳамкор ям-яшил боғ яратиб, хилма-
хил мевадан дарахт ниқолларини ўтказиб, япхатанлигин-
гизни ўқисиз кўзларидида беш қалқиб, нафақат Фидокор, ва-
фодор отам, балки сўнги элтириб турган анани ситглар
уйимиз, пешавонимиз, боғимиздаги қантқач, оқ ўриклар,
қирғизак олмағари, ниқомдаги қарос, даройи узумлар ўз
тилида оқ уриб, бўзлай-бўзлай сўзлаб беришгаётгандек
менга!

Буюк шоир М. Ю. Лермонтов: «Севинг эсдан чиқди-ю
қайғу эса ҳеч вақт унутилмайди», — деганидек, гоҳо бе-
хитёр айрилиқ, ўқинч, армонли ғам-қайғу ўтида ўрта-
ман, ёнаман.

Дунёга келиш бор, кетмиш ҳам муҳақққ. Лекин...
Сиз ҳаёт лаззатига қонмай, фарзандларингиз камолини,
орзу-ўйларингиз барқ урганини рўй-рост кўролмай кетдин-
гиз, онажоним!

Базаван ҳаёл оғушида ўз-ўзимга таскин-тасалли бе-
раман: асрлар қадар лоқайд, ёнимлар қайт кечириб, бено-
мунишон кетувчилар озиб, бу дунёда? Уларни ва Сиз-
нинг ҳаётингизни ақл ғалиридан ўтказиб, фахрланаман,
Чуки Сиз «Бир қўлида бешиқни, бир қўлида ёруғ дунё-
ни тебратган» миллионлаб саҳий қалб оналарнинг бири
эдингиз.

Ўзингиз кетдингиз-у, илдизларингиз қолди. Вақуваат,
теран илдизларингиздан иккинчи — мангунлик ҳаётингиз
туркираб ўсиб, Сиз оруз қилган, Сиз умидвор бўлган ҳаёт
зарварини тўлдирингиз.

Ҳафтада бир бор Сиз ётган қабристонга қадам ранжи-
да қилар эканман, қабрингиз қондада сукут сақлаш,
бошингиз узра ўтказилган атиргулларга, райхон-у жамоил-
ларга меҳрим булоғидан об-ҳаёт тараш, алоҳ-аждодлар
руҳи олдида, Сизнинг сўймас руҳингиз олдида тиз тўкиб,
қўларини қўқисима қўйиб, бир умр тазмин бажо этиш
— менга ҳам фарз, ҳам қарз эканлигини чуқур ҳис эта-
ман.

Сизнинг тисмолингизда мунаввар баҳорни, мусаффо
осмонни, Тинчлик наҳорини, миллионлар оруз-умидлари
ёлқинини қўраман, онажоним!

Умарали ҚУРБОНОВ.

13 май

13 май

лахит». Телефильм. 17.30 ЎзССР тарихи. Ўзбекистон социализм асосларини қурилиш даврида (1925—1937 йиллар). 17.55 Янги

ликлар. 18.10 «Киев Граждан авиацияси институти тақвиф этади» (рус.). 18.40 «Ўхшалики ҳисоби ва ўз-ўзини маблаг билан таъминлаш йулидан». Қашқадарё об-ласт саноат корхоналари мисо-лида. 19.10 Адабий театр. «Бул-қалби». 20.00 «Ахборот» (рус.). 20.15 «Комсомол прожектори». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Бу боғи қайси бог дەرлар». Музикали программа. 21.30 Москва. «Вре-мя». 22.05 Москва. «Қайта куриш прожектори». 22.15 Халқаро «Тошкент кинофестивали олдига» (рус.). 23.15 «Бугун олақда ним-гап!». Халқаро аҳвол кундалиги

●

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ
УЧУН ПРОГРАММА**

19.30 «Ешлик» студияси кўрса-тади. «Улар биринчилардан эди-лар» (тажик). 20.00 «Эртанги кунингга боқ». Телефильм. 20.40 «Шаҳар юмушлари ва таъшишла-ри». Меҳнаткашларни интерна-ционал руҳда тарбиялаш ҳақида (рус.)

●

ДУШАНБА КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время». 22.05 Москва. «Қайта куриш прожекто-ри». 22.15 «Ранда». Танқидий те-лежурнал. 22.35 «Сирли «қоялар» Бадий фильм.

14 MO

14 май

(рус.). 12.50 «Инсон ва замин»
Қишлоқ меҳнатчилари учун про-
грамма. 13.50 «Инсон ва қонуни»
(15 апрелдаги кўрсатув такрорла-
нади).

* * *

18.25 Кўрсатувлар программа-
си. 18.30 «Ўқукур тойчоқ». Мулът
фильм. 18.40 Сирлар учун
«Тенгдаш» (рус.). 19.25 «Тил —
маданият кўзгуси». Мактабларда
она тилини ўрганиш муаммолари
ҳақида. 20.00 «Ахбороти» (рус.).
20.20 «Ҳамзабод». Ҳужжатли
фильм «Ўзбектеелефильм». 20.30
«Ахбороти». 20.50 Мусиқани ҳа-
зирасидан. «Сувора». 21.30 Мос-
ква, «Время», 22.05 Москва, «Қай-
те кириш прожектори». 22.10
Мусиқани ҳазинаси. «Сувора»
(давоми). 23.10 «Сирлар қу-
ш» — жумбоқлар денгизи, Ҳужжат-
ли фильм. 23.30 Кўрсатувлар
программаси.

20 Халқ ла-

нинг меҳнат дарси ўқитувчиси методист Йўлдош Рустамов билан учрашув. 21.30 Москва. «Время».

22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори». 22.15 Саттор Турсун «Ситораи карвонкуш». Телеспил такли. 23.15 «Севги ҳақида куйлайман». Фильм-концерт.

==15 ма

ўйнашни ўрганинг». 11.30 «Тошкентнинг истибқоли» (тақдор) 12.20 «Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». 13.20 «Қувноқ сўртлар». Самарқанд область 16-мактабинин «Зафер» ва Наманган область 11-мактабинин «Улид» командалари учрашадилар. 14.10 «Отанлар университети». 14.40 Рекламалар. «Спортлото» — миллионлар ўйнайин».

* * *

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Шинник» (Ярославль). 2-тайм. «Пахтакор» Марказий стадионидан олаётган.

жтаб ўқув-
и, жон қў-

20.20 «Кристаллар». Телефильм.
20.30 «Ахборот». 20.50 «Шодлик»
ашула ва рақс ансамблининг кон-
церти. 21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ахборот» танқид қилган
эди...». 22.15 «Қалб наволари».
УзССР халқ артисти Фуломжон
Ёкубов куйлайди. 23.15 Кўрсату-
лар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ
УЧУН ПРОГРАММА
ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

18.55 «Новинки» кинолуби.
20.15 «Полиция қидиряпти...». Д.
Ленц ҳикояси асосида телеинсе-
нировка (рус.). 21.00 «Халқ ижо-
диёти». «Жаштик» вокал чо-
лони ансамблининг концерти. 21.30
Москва. «Время». 22.05 «Телав-
се». Бадий фильм. 1 ва 2-серия-
лар (рус.).

55-59, капитал журишли — 32-58.85
 а спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тар — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар
 н редакцияси — 33.99-42, 32-53-66
 56-84; эълонлар — 33-81-42.